



### КЕТМАС ДОФ

Дунёда шундай иллатлар борки, ўзининг ижтимоий хавфлиги билан бутун инсоният бошига турли хавф-хатар ва ташвишлар солиб, жамият тараққиётига тўсиқ бўлади. Мана шундай иллатлардан бири порохўрликдир.

2 бет

### ВИЖДОНЛИ КИЛЛЕР



Кўрқув, ҳаяжон ва гумонлар унинг бутун вужудини қамраб олган. Бир нуқтага тикилган кўйи ҳаёл денгизига шўнғиган. Эрининг қотил ёллаб уни ўлдирмоқчи бўлганига ишонгиси келмасди.

10 бет

## Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 12-iyun, № 24 (597)

### ДАВРА СУҲБАТИ

Сўз эркилиги ва фикр билдириш эркилиги — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда асосий эркинликлар қаторига киради. Республикада ҳам оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги ва ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлари конституциявий даражада мустаҳкамланган.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Минтақавий сиёсат фонди билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда сўз эркинлигининг амалга оширилиши» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда хорижий ва миллий экспертлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ва муҳофазат этишда ахборот воситаларининг тугпан ўрни ҳақида фикр билдирди. Тадбирда Бош прокуратура бўлим бошлиғи Светлана Ортиқова, Олий ўқув

курслари бошлиғи Толибжон Умаровлар ҳам қатнашишди. Баҳс-мунозаралардан шу нарса маълум бўлдики, ОАВ инсон ҳуқуқларига оид билим ва маълумотларни кенг оммага ёйишда жуда катта рол ўйнайди. Мунозараларда Минтақавий сиёсат фонди экспертлари, АКШ, Япония, Ҳиндистон, Миср, Кувайт, Хитой ва Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам фаол қатнашиб, ўз мулоҳазаларини билдиришди. Мунозаралар қизиқарли ва мазмунли руҳда ўтди. Иштирокчилар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мавзусига бағишлаб чоп этилган махсус адабиётлар, турли журнал ва тўпламлар билан танишишди. Айтиш мумкинки, ташкил этилган ушбу кўрғазма уларда катта қизиқиш уйғотди. Гули **ҲОЖИБОЕВА**, журналист

### ИФИТХОР

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАММАНИНГ ИШИ

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигини катта тайёргарлик билан қутиб олаётгани. Ўтган йиллар ичида юртимизда президентимиз раҳнамолигида катта ютуқларга эришилди. Қайси бир соҳани олманг, у суд-ҳуқуқ бўлади-ми, таълим, маданият, иқтисодиёт, спорт соҳаси бўлади-ми, истиқбол бошлаб берган ислохотлар туфайли ривожланиб бораётгани кўзга ташланади. Мамлакатимизнинг миллионлаб фуқаролари қатори қорақалпоғистонликлар ҳам ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ватан раванқига ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Прокуратура органлари ходимлари ҳам бундан мустасно эмас. 2008 йилнинг 4 ойи давомида фуқаро-

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 2635 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланildi. Нагигада 1 минг 262 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилишлар бўйича 45 та жиноят иши кўзгатилиди. Шунингдек, 27 млн. 325 минг сўмлик моддий зарарлар айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди ва келтирилган 564 млн. 947 минг сўмлик моддий зарарларни мажбурий равишда ундириш юзасидан 302 та давво аризаси киритилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан бир қанча иш-

лар амалга оширилди. Хусусан, Тўртқул туман ижтимоий таъминот бўлимининг пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари М.Розумова пенсия олиш учун мурожаат қилган фуқаро Г.Авезовдан 200 минг сўм пора сифатида олган вақтида ушланди. Ушбу ҳолат бўйича кўзгатилган жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга оширилиб, суд томонидан М.Розумова қонуний жазоланди. Туман ва шаҳар прокурорларининг ташаббуси билан 23 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2617 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Касаначиликни ташкиллаштириш ҳисобида меҳнат шартномаси асосида 1444 та янги иш ўринлари яратилди. (Давоми 4-бетда).

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Бу мақсадга эса қонунчилик тизимида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва маърифатни юксалтириш билан эришилади. «Народное слово» газетасининг 2008 йилнинг 23 май, «Халқ сўзи» газетасининг эса 27 май сонларида Республика Бош прокурорининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Унда мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёни, ҳуқуқий демократик дав-

лат педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мақола тарғиботи юзасидан тренинг машғулотлар ўтказилди. Тингловчилар мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар салмоғи, уларда инсон омили, манфаатлари муҳофазаси, алоқат ва қонун устуворлигига эришиш юксак аҳамият касб этаётгани мақолада ҳам ўз ифодасини топганини таъкидлашди. Шундай тарғибот тadbирлари вилоятдаги барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида қарашли ўқув муассасаларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда мақолада вояга етмаганлар манфаатла-



## ТАРҒИБОТ МУҲИМ ЖАРАЁН

лат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кенг ёритилган, бугунги ислохотлардан кўзланган мақсад, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Ушбу чиқиш мақсур наشرларнинг кўп миң сонли ўқувчилари, турли соҳа вакиллари ва кенг жамоатчилик томонидан эътибор билан қарши олинди. Жумладан, Наманган вилоятида ҳам Бош прокурорнинг мақсур мақоласини ўрганиш, тарғиб этишга қаратилган тadbирлар бўлиб ўтмоқда. Наманган вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли вило-

ри муҳофазасидан келиб чиқиб, таълим муассасалари олдига қатор муҳим вазифалар қўйилгани, жумладан ундаги танқидий фикрлар фойда ўринли бўлиб, келгуси фаолиятда таълим-тарбия жараёнларини кучайтириши, махалла — мактаб — оила ҳамкорлигини яхшилаши тақозо этиши айтиб ўтилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги коллеж ва академик лицейларда ҳам унинг тарғиботига бағишланган тadbирлар ташкил этилмоқда. Шу мақсадда бошқарма қошида ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ ўқув юртли раи жамоаси билан ҳамкорликда илм масканларида мақолада баён

этилган долзарб масалаларни, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислохотлар моҳиятини ёшлар онгига синдириш мақсадида суҳбатлар ўтказмоқда. Наманган вилоят прокуратураси мақолада ўқув машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, тизим ходимларига мақолада алоҳида таъкидлаб ўтилган қонунлар тарғиботини янада кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди. Вилоят прокуратураси органлари ходимлари ҳозирда шу асосда фаолият олиб бориш билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув юрт-

лари ва меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот тadbирлари уюштирмоқдалар. Айни пайтатча 50 дан зиёд шундай тadbирлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил этилди. Мақола юзасидан тарғибот тadbирлари қатор жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналарда ҳам давом этмоқда. Биз ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган эканмиз, қонунларни билиш, уларга ҳурмат ва итгат тўғриси бош мақсад бўлиши керак. Бу биз кўзлаган ёрқин истиқболга эришишни таъминлайди. Бахтиёр **ВАХОБОВ**, Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

### МУНОСАБАТ

### НАЗОРАТ

## БАРАКА — ҲАЛОЛЛИҚДА

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётда солиқ сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш масаласи доимо диққат марказида бўлиб келган. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги кўша мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, солиқ сиёсатини янада тақомиллаштириш муҳим вазифалардан бири эканлигини, 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодекс иқтисодий ислохотлар соҳасида бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганлигини таъкидлаган эди.

2008 йил 1 январдан амалга киритилган янги Солиқ кодексидан амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтага назардан ўрганиб чиққан ҳолда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкнини енгилаштириш, солиқ бошқарувини тақомиллаштириш ва эркинлаштириш алоҳида эътиборга олинган. Айни пайтда солиқ солиш тизимини шакллантирувчи норма ва қоидаларни мувофиқлаштириш ягона қонунчилик базасини яратиш имконини берди. Солиқ тўловчи субъектларнинг раҳбарлиги, қолаверса, кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилган тарғибот-ташвиқот тadbирлари жараёнида иқдор бўлдики, бу кўпчиликлка маъқул келган. (Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).  
Янги Солиқ кодекси асосида фаолият юритаётган юртдошларимиз ишдан маннунглик хиссини туасан киши. Шу боиски улар ишида унум, барака бўлмақда. Ҳам давлат газаси, ҳам шахсий манфаатини қўзғабилган солиқ тўловчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани кувонарли.

Бироқ, шולי куракисиз бўлмаганидек, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар зимма-

ралайдан келиб тушган. Уларни 10 кунгача мuddатда текширганмиз. Биттаси судга, бештаси прокуратурага чиқарилди. Суриштирув даврида 40 млн. 866 минг сўмлик зарар аниқланган. Қўзғатилган жиноят ишларининг 6 таси солиқ тўловларидан бўйин товлашдир. Жумладан «Аксикент АБС» МЧЖ раиси Х.Абдуллаев 19 млн. 632 минг сўмлик ноқонуний товар айланмасини амалга ошириб, фаолияти давомида солиқ солина-

механизмларини фош этиш борасидаги текзор тахлилий ишларни янада такомиллаштириб бормоқдамиз. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, тadbиркор ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доимий диққат марказимизда бўлади. Коррупция, порахўрлик ҳолатларига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тadbирларни ташкиллаштиряпмиз.

## БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

сидаги қарздорликни қисқартириш, нақд пул маблағларининг бюджетдан ташқари айлианишининг олдини олиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камаййтириш борасидаги вазифаларга совуққонлик билан қараётган субъектларнинг раҳбарлари ҳам ураётгани ажабланарлидир. Шу ўринда фикрларимизни янги Солиқ кодекси амалга кирган даврдан буёнги материаллар ва жиноят ишлари бўйича асосласан. Утган 4 ой давомида 6 та материал бўлимимиз томонидан текширилган ва ДСИ идо-

диган объектни ҳисоботларда кўрсатмай 15 млн. 698 минг сўм миқдоридеги солиқни яширган.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан «Labaпun taraqqiyot savdo» МЧЖ раҳбари М.Исроилов 6 млн. 78 минг сўмни яширгани аниқланди. Муқаддам эса у «Интер стар плюс» хусусий корхонасини бошқарганида 5 млн. 716 минг сўм солиқни тўлашдан бўйин товланган эди.

Биз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланишнинг мумкин бўлган янги канал ва

Кут-барака ҳалолликда. Бу исбот талаб этмайдиган оддий ҳаётий ҳақиқат. Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, ҳисоб-китоб ходимлари шу ақидада амал қилишса, солиқ қонунчилигига қатъий риоя этган ҳолда фаолият юритишса, кўнгиллари тўх, ишда унум, топганларида барака бўлиши табиий.

**Олимбой ТўРАЕВ,**  
Бож прокуратура ҳузуридеги СВОЖБДЛҚ департаментининг Мингбулоқ тумани бўлими бошлиғи

## Ёшлар қонунчилиги сенаторлар нигоҳида

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси Э.Воҳидов ва 10 нафар сенаторлардан иборат ишчи гуруҳи 6 июнь кўни Андижон вилоятига ташир бу юриб, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши масалаларини халқ депутатлари Кенгаши билан бирга муҳокама этишди.

Қизғин мунозара руҳида ўтган тadbирда сенаторлар, вилоят ҳокими А.Усманов, вилоят прокурори Б.Деҳқонов катнашиб, вилоятда ушбу қонун талабларининг ижроси, ўсмир ва ёшлар муҳитида қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр билдирдилар.

Сенаторлар вилоятда аҳолининг ўта зичлиги, аҳоли сонини йил сайин ўсиб бораётгани шaroитида ёшларнинг бандлиги, ижтимоий муҳофазаси, таълим-тарбияси бо-

расидаги ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда бир қатор ишлар қилинганлигини, воёга етмаганлар орасида жорий йилнинг 5 ойида жиноятчилик 3,97 фоизга, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 31,8 фоизга камайганлигини мамнуният билан эътироф этишди.

Шу билан бирга, ёш тadbиркор ҳамда истеъдодли ўқувчи ва талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларни истиқболли илмий тadbирдорларга жалб этиш, ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш хусусида қилиниши лозим бўлган вазифалар таъкидлаб ўтилди.

Ташриф жараёнида сенаторлар Андижон шаҳрида эскириб қолган болалар уйи ўрнида қурилаётган, етим ва ота-онаси қаровисиз қолган болаларни алоҳида оила бўлиб яшашларига мўлжалланган «Болалар шаҳарчаси»да бўлишди.

**Рустамжон АБДУЛЛАЕВ,**  
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси

## ТУБАНЛИК

**Нурбек эндигина 30 ёшдан ҳатлаган бўлишига қарамасдан, ҳаётининг нотекис қўчаларида анча тентираганлардан. У бир неча бора суднинг қора курсисига ўтирган. Бироқ бу жазолар Нурбекка қор қилмади. У фель-авторини ядгартириш, жамиятда ўз ўрнини топишга уриниш ўрнига янада аянчилик жиноятга қўл урди.**

Ҳар бир фуқаро қўз қорачигидек асраши керак бўлган ҳужжатлардан бири бу фуқаролик паспортидир. Ҳар биримиз бу муҳим ҳужжатни қўлга киритганда ҳажонланганмиз, жамиятнинг чинакам аъзоси эканлигимизни ҳис қилганмиз. Кўпчилик ушбу муҳим ҳужжатни сандигининг тўрида асради. Унга гард юктирмасликка ҳаракат қилади. Қандайдир сабаб билан паспортини йўқотган кишилар айб иш қилгандай унғасиз ҳолатга тушганига гувоҳ бўлганмиз. Бироқ ўз паспортини сотган кишини кўрганлар, бу ҳақда эшитганлар деярли учрамаса керак. Ахир бу ўзлигининг, иймону виждонини сотиш билан баробар-ку. Нурбек Исмоилов худди шундай қилди.

Ўтган йил бошида Д.Ўрозбоева исмли таниши унга ғалати таклиф билан мурожаат қилди.

— Қирқ ёшгача бўлган одамларнинг паспорти керак, ҳар бирига 50 минг сўмдан бераман.

— Паспортларни нима қиласиз, — қизикиб сўради Нурбек.

— Туркманистонлик Зулайҳо исмли танишим сўрапти. Умуман, бу ёғи билан қизикманг, паспорт келтириб, пулни санаб олшини билинг, ҳолос.

Нурбек Исмоилов таклифнинг моҳияти, фуқаролик паспортининг муқаддас ҳужжатлиги у ёқда турсин, қилмиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида уйлаб ҳам ўтирмади. Узининг ва турмуш ўртоғи Садоқат

Жуманиёзованинг фуқаролик паспортларини танишига келтириб бериб, келишилганидек 100 минг сўмни кўртдай санаб олди.

— Яна келтираверайми, — сўради ишайиб.

— Келтираверинг...

Пул топишининг осон йўлини топган Нурбек «иш»га шўнғиб кетди. Шу тариқа узоқ-яқин қариндошлари Руслан Матёкубов, Илҳомбек Исмоилов, Бунёд Матёкубовларнинг паспортларини фаразли ниятда ўғирлаб, Д.Ўрозбоевага 125 минг сўмга сотди. Ўз навбатида Д.Ўрозбоева бу паспортларни туркманистонлик Зулайҳо исмли аёлга 300 минг сўмга пуллайди.

Н.Исмоилов қилмишини яшириш мақсадида Хива туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғини номига фуқаролик паспорти йўқолганлиги ҳақида ёзма ариза билан мурожаат қилади. Жиноят тўғрисида бида туриб, ёлгон хабар беради. Паспортни тополмай жиёбийрон бўлган турмуш ўртоғига эса кўрмаганини айтиб қўяқолди.

Кейин эса қилмишлари ошқор бўлишидан қўрқиб Қозоғистонга қочиб кетди.

Шу пайтгача жазодан ҳеч қим қочиб қутулолмаган. Н.Исмоиловнинг ҳам қилмишлари фош бўлиб, суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

**Юсуфбой МАШАРИПОВ,**  
Хива туман прокурорининг ёрдამчиси

«Порахўр» сўзини эшитганда, ҳар қандай кишининг эти жунжикиб, бундай жиноятга қўл урган шахсга инсонбатан кучли нафрат уйғонади. Чунки бу турдаги жиноятлар мансабдор шахслар томонидан содир этилиши билан кўпроқ оддий фуқароларга зиён-заҳмат етказди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол қилади.

Бу қабих жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини шундаки, давлат муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган ҳодиса билан тўқнаш келган

**Дунёда шундай иллатлар борки, ўзининг ижтимоий ҳавфлилиги билан бутун инсоният бошига турли ҳавф-хатар ва ташвишлар солиб, жамият тараққиётига тўсиқ бўлади. Мана шундай иллатлардан бири порахўрликдир.**

## КЕТМАС ДОҒ

жамоатчиликда ҳокимиятга ва унинг мансабдорларига ҳуқуқ ишончсизлик пайдо бўлади. Оқибатда давлат структурасига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлади.

Порахўрлик жиноятнинг жirkanч жиҳатлари ва ҳавфли оқибатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бундай иллатнинг йўлдан оздирувчи таъсирига асосан илм ва маърифатдан узоқ, маънавияти суст инсонлар тушиб қолиши ҳам барчамизга маълум. Бироқ, амалиётда зиёли қатламнинг ёрқин вақиллари ҳисобланган маориф ходимларининг ҳам бундай қабих жиноятларга қўл ураётганлиги кишини жиддий уйлантиради. Ёш авлодининг таълим-тарбияси билан шўғуланмаётган, уларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши лозим бўлган, оғир жиноятни содир этиш туғул, ҳаттоки кичик бир беодобликка ҳам маънавий

## Истеъмомолчилар ҳуқуқи тикланди

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг тўлақонли амалга ошишида фуқароларнинг ислохотлар моҳиятини тўғри англаб етиши, аҳолининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила билиши муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Ёзёвон туман прокуратурасига фуқароларимиздан ўз ҳуқуқларини талаб қилиб ёзган аризаси келиб тушди. Ушбу ариза мутахассислар билан ўрганилганда, «Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда қайд этилган талаблар туман электр тармоқлари корхонаси масъул ва мансабдор шахслари томонидан етарли даражада бажарилмасдан келинаётганлиги аниқланди.

«Ўздавэнергозорат» инспекцияси Фарғона ҳудудий бўлими томонидан 2008 йил 28 апрель куни «трансформатор ҳаво узатмасига дарахт шохлари ва симларни бир-бирига тегиши натижасида қисқа туташув содир бўлганлиги ва трансформатор устида ёнғингарчиликдан сақловчи махсус ҳимоя қопқоғи йўқлиги ҳамда профилактик таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борилмаганлиги оқибатида трансформаторнинг ички қўлгамлари куйган. Трансформатор яроқсиз ҳолга келиб, маҳалла аҳолиси электр таъминотида 11 кунга узулиб қолган»лиги ҳақида хулоса берилган. Ваҳоланки, ишлаб турган электр қурилмаларида «Электр станциялари ва тармоқларида техник эксплуатация қилиш қоидаларининг 658, 723-бандларида асосан ҳар 6 ойда бир марта техник кўриқдан ўтказиш режаси тузилиши ва бажарилиши кўрсатилган. Аммо, туман электр тармоқлари масъул ходимлари: бош муҳандис Қ.Муротов, И.ЧЧ муҳандиси И.Турдиев ва бўлим устаси Д.Охунновлар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошиб келганликлари сабабли ушбу талаблар бажарилмаган.

Бундан ташқари, Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги қарори билан тасдиқланган электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларига тегишли тартибда риоя қилинмаган.

Ушбу ҳолатлар тўғрисида Ёзёвон тумани Хонобод ҚФЙ Кум маҳалласи аҳолисини электр энергияси билан таъминлашда узулиш содир бўлган. Шу билан бирга мажzur маҳаллада 11 кун мобайнида электр энергияси таъминоти тикланмаганлиги га ушбу бўлимида синовдан ўтган ва ишлашга яроқли бўлган трансформатор мойи захираси йўқлиги сабаб бўлган.

2008 йил 23 апрель куни қўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида туман прокуратурасининг аралашуви билан Кум маҳалласи хонандонларида электр таъминоти тикланди. Текшириш якунлари бўйича туман электр тармоқлари корхонаси масъул шахсларнинг интизомий жавобгарлиги қўриб чиқилди.

**Бахтиёржон МАМАТОВ,**  
Ёзёвон туман прокурори

ши учун унинг «оғзини мойлаш» кераклигини маслаҳат беришлари га қарамай, Ш.Орипова ундан ёрдам сўрашга қарор қилди.

— Майли, ёрдам бераман, 200 доллар олиб келасиз, — дабдурустдан жавоб берди Ш.Рўзमतов.

— Бунча пулни топа олармиканман?

— Топасиз, топмасангиз бўлмайди.

Бундай лўнда ва узил-кесил жавобни кутмаган Ш.Орипова эсанкираб қолди. У Ш.Рўзमतовнинг бу ишга шунчаки аралашмаслигини на зарда тутган бўлса-да, бироқ бунча миқдорда пул сўрашини кутмаганиди.

Кўнгида «балки Ш.Рўзमतов шунча йиллик механик хўрмадан мени ҳимоя қилар, ахир у менинг бевоисита раҳбаримки» деган умида яширинган эди. Бироқ, амалда Ш.Рўзमतовнинг совуқ муносабати ва беандиша таъмағирлиги га дуч келган Ш.Орипова қаттиқ таъсирилди. Қорнига эмас, қадрига ачинди...

Жиноят йўлига кирган ҳар қандай шахс, эртаим-кечми, қонун олдида жавоб бериши, табиий. Шу оддий ҳақиқатни англамаган Ш.Рўзमतовнинг фаолияти ҳам узоққа чўзилмади. У ўз хизмат хонасида Ш.Ориповадан 200 АҚШ долларини пора тариқасида олган пайтда қўлга олинди. Суд томонидан Ш.Рўзमतов айби деб топилди, узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Албатта, Ш.Рўзमतов қилмишига яраша жазосини олди. Лекин у ва шундай жirkanч жиноятларга қўл ураётган бошқа мансабдор шахслар ўз шаънига туширган доғни кетказма олармиканлар?! Зеро, бу доғнинг уларга бутун умр тамга бўлиб қолиши ҳар қандай жазодан оғирроқдир.

**Шерзод МАТИЕВ,**  
Бож прокуратура бошқарма катта прокурори



Бозор иқтисодиётининг энг зарур шартларидан бири рекламадир. Тадбиркорликнинг ривож топшида ҳам рекламанинг аҳамияти катта. Эҳтимол, ана шу сабабдан ҳамки инсоният ҳар бир жабҳада реклама муносабатларига эҳтиёж сезиб келган. Кўна Миср ва қадимги Византиядан топилган тош ва пергаментларга битилган ёзувларда ҳам реклама намуналари учраши сўзимиз ётибди.

XXI асрга келиб жаҳон фан-техника тараққиётида телекоммуникация тизимлари, айниқса, унинг таркибий қисми бўлган бутунжаҳон компьютер тармоғи — World Wide (w.w.w.) яъни интернет тизими жадал ривожланиб бораётганини рекламанинг янги тури — интернет-рекламанинг шаклланишига олиб келди.

Интернет-реклама энг янги ва энг жадал ривожланиб бораётган реклама тури ҳисобланиб, у товар ва хизматлар ҳақида маълумотлар узатишининг барча шакллари (коммувиабериқликдан тортиб энг оммабоп телешоуда эълонлар жойлаштиришгача) ўрнини боса

тартибга солинади.

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг асосий вазифалари: юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш; рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумий эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик оубрусига, атроф-муҳит ҳолатига таъминлаш; маҳсулотнинг характери, тайёрлаши усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни чағалтирилган ёлгон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олишдан иборат.

Шунуқтан назардан қараганда айни вақтда оммавий ахборот воситаларида берилётган айрим рекламалар талабга жавоб бермаслигини тан олишга тўғри келади. Масалан, Бухоро

ма тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз вақтида бажармагани учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача, жисмоний шахслар эса энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача.

Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 27-28 март кунлари бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланган мазкур «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «ижтимоий рекламалар ахборот» деб номланган 16-моддаси 3-қисмига киритилган ўзгартиришлар ижтимоий рекламалар ахборот фаолияти қайси манбалардан молиялаштирилишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчилар томонидан жойлаштирилиши мажбурийлигини белгилаб қўймоқда. Шунингдек, ижтимоий рекламалар ахборот ҳажми реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг камда 5 фоизини ташкил этиши зарурлиги аниқлаштириб

## Қонун талаби қатъий

олади. Шунинг учун ҳам ишбилармонларимиз маркетингда интернет-рекламадан унумли фойдалана бошлашса, бу бир томондан, корхона ва фирмалар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга бўлган қизиқишини оширади, иккинчи томондан, тадбиркорларимиз маҳсулотларига янги бозорлар, шу жумладан, жаҳон бозорига кенг йўл очади.

Бозорда ҳамма ўз молини яхши дейди. Бу рекламанинг энг оддий усули. Бозор муносабатлари ривожланиб боргани сари реклама ҳам ривож топиб, мураккаблашиб боради. Рекламадан тўғри ва оқилона фойдаланиш жуда муҳимдир. Ҳозирги ахборот асрида инсон ва жаҳият ҳақида ахборот эҳтиёж меъёридан чиқиб сиёсий ва мафқуравий восита, бунёдкорлик ёки айронакорлик кучига айланаётганини доимо эсда тутиш зарур. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда мафқуравий-ахлоқий қадриятларимизга мос келмайдиган ҳолатлар ҳам намоён бўлаётгани, биз улардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Реклама муносабатлари қонун асосига қурилиши ва ривожланиши шарт.

1998 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, кейинчалик унга бир қанча ўзгаришлар киритилган. Рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун билан

вилоятдаги «Ал-чашма» хусусий клиникасининг россиялик шифокорлар иштирокида Қарши шаҳрида қабул ўтказиши ҳақидаги виллоят телевидениеси орқали берилган реклама ролиги маҳсулот сертификатланган, хизматлар лицензияланган белгиси қўйилмаган ҳолда кўп маротаба намоён бўлган.

Айниқса, ёшларимизнинг онги ва тафаккурини ёг гоилардан эҳтиёт қилиш керак. Реклама ниқоби остидаги мафқуравий хуружлар ёшларга салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг маънавий қашшоқлишига сабаб бўлиши мумкин. Айрим рекламаларда, хусусан, хорижий тиллардан сўзма-сўз таржима қилинган мантиқсиз сўзлар ёшларимизнинг дидини ўтмаслаштириб, охир-оқибатда маънавий қашшоқликка олиб келмаслигига кай қаролат бера олади!

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида «реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчилар, яъни реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги тартибда ва миқдорда жазимага тортилишлари мумкин: нотўғри реклама берганликлари учун юридик шахслар энг кам иш ҳақининг 70 бараваридан 100 бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача; рекла-

қўйилади.

Қашқадарё виллоятда март ойида ўтказилган «Хуқуқий маданият тарғиботи» ойлиги муносабати билан виллоят маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши ҳамда виллоят прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда, ОАВ орқали берилётган рекламаларнинг савияси, гоийий-ахлоқий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилиниб, реклама беришда фуқаролар, давлат ва жаҳият манфаатларига, уларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқларига зарар етказилишига йўл қўймаслик учун зарур чора-тадбирлар кўриш белгила олindi.

Қонун рекламани тайёрлаш ва ОАВда жойлаштириш чоғида меъёр бузилмаслигини талаб этади. Реклама бериш вақти, жойи ҳақидаги талабга қатъий риоя этиш лозим. Асосий мақсад рекламанинг қонунийлигини таъминлаш асосида унинг таъсирчан ва фойдали бўлишига эришишдан иборат. Олоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланишига доир ҳуқуқларини таъминлаш жуда муҳимдир. Давлат, жаҳият ва шахсининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратилиши керак.

**Лутфия БОЗОРОВА,**

Қашқадарё виллоят прокуратурининг катта ёрдмчиси

## Хато қилмоқ бордир...

**Инсон қачонки ўзидаги МЕН устидан галаба қозона, у хатоларни англашга қодир бўлади. Аксинча, бетаясирликдан ўзига ҳамро ниқоби кийиб олган киши интилаётгани сароб, эгри йўллар орқали бораётган манзили яхшиликка олиб келмаслигини билса-да, хатоларни такрорлайверади.**

Аъзамжон Ҳайдаров нафақат Бухоро туманида, балки виллоятда ҳам кўзга кўринган оубрули одам. Ҳалол меҳнат билан эл назарига тушгани ҳам рост. Аммо нима бўлди-ю, А.Ҳайдаров жиноятга қўл урганни билмай қолди. У жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2007 йил 19 октябрь кундаги ҳужмига кўра ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисми тегишли бандлари билан судланган эди. У 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарт билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган эди. Жиноят ишлари бўйича виллоят суди апелляция судлов ҳайъатининг 2008 йил 25 январдаги ахримига кўра А.Ҳайдаровга нисбатан 2007 йил 30 ноябрдаги Амнистия акти қўлланилиб, у тайинланган асосий жазодан озод қилинди.

Инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонунларимиз А.Ҳайдаровга хатосини англаб олиш учун имконият яратиб берди. Қолаверса, истиғфор кўриш ойнасини тозалаяди, дейдилар. У бундан қандай хулоса чиқарди экан, деган савол туғилиши табиий.

Афсусл! Моддий жавобгар шахс А.Ҳайдаров ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилиш жиноятини содир этди.

А.Ҳайдаров 1998 йилдан 2008 йил январь ойига қадар виллоят «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Бухороту-мангаз» филиалида турли лавозимларда ишлаб келди. 2004 йилдан корхонанинг эксплуатация хизмати бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритди. У хизмат вазифасини, масъулиятини жуда яхши билди. Чунки, туман аҳолисини табиий газ билан бир меъёрда таъминлаш, аҳолига эксплуатация хизматларини кўрсатиш ҳамда газ ҳисоблагич асбобларини ўрнатиш мазкур бўлим зиммасида эди. Лекин...

Виллоят ҳазорат тафтиш бошқармаси томонидан текширишда корхонада 21 млн. 59 минг 275 сўмлик камомат аниқланди. Корхона билан А.Ҳайдаров ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома имзоланган. Бироқ, шартнома шартларига ҳар иккала томон ҳам етарли эътибор бермаган кўринади.

Масалан, 2008 йил 25 февраль ҳолатида ҳисобхона ҳисоботи билан А.Ҳайдаров жавобгарлигида 1074 дона газ ҳисоблагич мавжуд бўлиши керак эди. Текшириш кунига эса ҳисоблагичлар 47 дона кам чиққан.

Судда «Бухороту-мангаз» собиқ бўлим бошлиғи А.Ҳайдаров 47 та газ ўлчигични пулга қилиб бўлганида(!) ўз эҳтиёжларига ишлаб юборганини эслади. Бироқ, 17 дона j-25 русумли газ ҳисоблагич нега корхона ҳисобот ҳужжатларида кўрсатилмаганлиги сабабини изоҳлай олмади.

2004 йил июнь ойида собиқ эксплуатация бўлими бошлиғи Б.Ражабовдан ишни қабул қилиб бўлганида 278 та, 2006 йил ноябрь ойида «Чорбак» участкаси устаси Э.Жамлоевдан 418 дона газ ўлчигичларни яроқли ҳолда қабул қилиб олган А.Ҳайдаров бугун ҳайрон, «673 дона туппа-тузук асбоблар қандай қилиб яроқсиз ҳолга келиб қолди экан?».

Ҳаётнинг паст-баландини биладиган кексалар айтганидек, «Хато қилмоқ борди, тузатмаслик ордир».

Суд ҳукми билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарт билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган А.Ҳайдаров икки йил-у олти ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинди.

**Халим ўРИНОВ,**

Бухоро туман прокурори

## Кимга ҳузур, кимга ташвиш...

**Ҳаётда ҳар бир қилинаётган иш, ҳаракат исзиз кетмайдми. Бу исботланган ҳақиқатдир. Бироқ З.Холматов бу қондан тан олманган шахслардан бўлиб, одамларни алдаб, фойда қўришни ва шу орқали тирикчилик қилишни ўзига одат қилганлардан экан.**

У мамлакатимизда автомашинали бўлиш исгагида бўлганлар учун яратилган имкониятдан кўпчилик қатори фойдаланиб, кредит ҳисобига «Нексия донс» автомашинасини сотиб олади. Банк кредит сиёсати талабларига кўра, бундай усулда олинган автомашинанинг кредити кредитор томонидан тўлиқ қопланмагунча сотилиши ёки бошқа шахс эгаллигига ўтказилиши мумкин эмас. Бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қонун талабларига мувофиқ, тегишли тартибда таъқиқ қўйилади. Лекин З.Холматов

бундай таъқиқни ҳам айланаб ўтиш йўлини топади. У Ш.Мамажоновга автомашинани 11 минг АҚШ доллара сотиб, автомашина айни пайтда таъқиқда эканлигини билдирмайдми. Бунинг устига З.Холматов пулни санаб олади-ю, лекин автомашинани сотиб олувчи номига расмийлаштириб беришни турли баҳоналар билан орқага суриб қочиб юраверади. Ш.Мамажонов бундан бироз ҳавотирланса-да, лекин автомашина унинг ўзида эканлиги учун унчалик эътибор бермайдми. Кунларнинг бирида автомашина бошқа


шахсга сотилганигидан хабар топган банк ходимлари сотиб олувчини «агар кредит қарзи тўланмаса автомашина хатлиноб, 7 млн. сўмга сотиб юборилиши мумкин» деб огоҳлантиришганда Ш.Мамажонов дастлабки хавотирни ўрибли эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади. У З.Холматовга бу ҳақда айтганида, у «қарзни сиз тўласангиз, мен пулингизни берман» дейди. Шундан сўнг, Ш.Мамажонов акасида қарз олиб, тўланмаган 5 млн. 435 минг 789 сўмни тўлиғича банкка топширади. Қарздан қутулганидан кейин у З.Холматовга автомашинани расмийлаштириб, қарзни тўлаб беришни айтади. Бироқ, орадан бир қанча вақт ўтса ҳамки унинг бу талаблари амалга ошавермайдми. Ш.Мамажонов фибрибгарнинг қармоғига тушгани

ни англаб, етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади. З.Холматовга нисбатан ушбу ҳолатлар бўйича ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 228-модданинг 2-қисми «б» банди ва 223-моддалар бўйича жиноят иши қўзғатилади. Лекин суд жараёнида З.Холматов Ш.Мамажоновнинг давзоларини тўла тан олиб, унинг барча талабларини бажаришга рози бўлади ва томонлар ўзаро келишиблади.

Бир қарашда низо бартараф этилган, тарафлар келишган ва ихтилофга ўрин қолмагандек кўринади. Аммо, нега З.Холматов каби айрим шахслар одамлар ишончига кириб, алдаш, уларни йиллар давомида сарсон-саргардон қилишни ўзига

қасб қилиб олиши экан? Одамларнинг ҳақиқат излаб идорама-идора юриши, саргардон бўлиши уларга ҳузур бағишлармикан? Ёки, уларнинг бундай қилиши ҳаёт тарзига айланганиман? Чунки З.Холматов факатгина юқорида тилга олинган ҳолатда эмас, балки Ш.Мамажонов каби бошқа одамларни ҳам алдаб, сарсон қилиб юрган. Шунинг учун бундайларни қўриб, тўри хулоса қилиш, ҳар қандай ишга қўл ураётганда унинг оқибати, таниш-билиш, ёру биродарлар орасида йиллар давомида тўпланган оубрунинг тўкилиши, юзининг шувуи бўлиши ҳақида ҳам бироз ўйлаб қўйиш фойдадан холи бўлмасди.

**Ойгул ОТАЖОНОВА,**  
Бош прокуратура бўлим катта прокурори



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан 38 млн. 500 минг сўмлик иш ҳақларини мажбурий равишда ундириш бўйича 26 та даъво ариза киритилди.

Шунингдек, прокуратура органларининг аралашуви билан жами 3 млн. 100 минг сўмлик иш ҳақи ихтиёрий ундириб берилди. Масалан, Амударё тумани ХТБ га қараш-

## Саҳифамизда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси

зибаларига лоқайдлик билан қараганлиги сабабли 2008 йил ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитдан 129 млн. 190 минг сўми 151 та фермер хўжалигига ўз вақтида берилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан ўтказилган 102 та текшириш натижасига кўра 382 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 203 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 219 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Аниқланган қўпол қонунбузилишлар юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилди. Ма-

қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўтказилган 150 та текширувлар натижасида 124 та жиноят иши, 52 та маъмурий иш қўзғатилди. Масалан, Тўрткўл туманида жойлашган «Бўстон Элтўртқалъа» МЧЖ мансабдор шахслари томонидан харидориги ва тез сотиладиган маҳсулотларни сотишдан тушган 32 млн. 880 минг сўм нақд пул банкга топширилмаганлиги аниқланган.



Қорақалпоғистон ёшлари ана шундай замонавий коллежларда таълим олади.

лотларни рухсатномасиз олиб кетаётганлиги аниқланди. Бу товарлар далалий ашё сифатида олиб қўйилди. Бундан ташқари, ўтган даврда 24 та яширин цех фаолияти фош этилди.

Прокуратура органларига келиб тушган 1098 та ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этиш чоралари қўрилди. Шикоятларнинг 475 таси, яъни 43,2 фоизи прокуратура орган-

узатилаётти. Кўрсатувларда прокуратура раҳбарлари, прокурор-тергов ходимлари иштирок этмоқда. Бу кўрсатув оёйга 4 мартаба эфирга чиқилди. 2002 йил август ойидан бошлаб Қорақалпоғистон радиосида «Қалқон» эшиттириши тинловчилар эътиборига ҳавола қилинаётти. Республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг «Ғаресизлик

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАММАНИНГ ИШИ

ли 6-мактабнинг мансабдор шахслари 2007 йил давомида жами 1 млн. 139 минг сўмлик иш ҳақи маблағларини ҳужжатлари қада-қилаштириш йўли билан ўзлаштириб талон-тороғ қилишган. Бу жиноят иши айблов ҳусосаси билан судга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг эркин фаолият юритиши ва ривожланиши учун гов бўлиб турган сунъий тўсиқларни бартараф этиш учун кескин чоралар қўрилмоқда.

«Пахтабанк»нинг Беруний филиали мансабдор шахслари ўз ва-

салан, Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли «Навбахор» болалар боччаси мансабдор шахслари тил бириктириб 266 минг сўмлик бюджет маблағини талон-тороғ қилишган. Иш айблов ҳусосаси билан судга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган текширувлар бўйича бюджетга жами 556 млн. 879 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шу кунга қадар 203 млн. 181 минг сўми ундирилди. 93 млн. 393 минг сўм миқдорда молиявий зарима қўлланилди.

Нукус шаҳар «Бролер» постанда ўтказилган талбирда Тошкент-Нукус йўналишида келаётган «Мерседес-Бенц» маркали автобус тўхтатилиб текширилганда хусусий тадбиркор Р.Ауезбоева Тошкент шаҳридан Хўжайли туманига чет элдан ишлаб чиқарилган жами 4 млн. 818 минг сўмлик ҳар хил турдаги маҳсу-

ларидан ҳал қилинди. Бу шикоятларнинг 146 таси, яъни 51,7 фоизи текширишда қаноатлантирилди. Ариза ва шикоятлар бўйича юзаси текшириш ўтказиш, муаллифга қонун талабларини ўз вақтида тушунтирмастик, жиноят ҳақидаги аризаларни оддий ариза сифатида қайд этиш, ҳисобот тузишда хатоликларга йўл қўйиш каби камчиликларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриб борилди.

Қонунчилик тарихотини жадаллаштириш учун 1999 йил сентябрь ойидан бошлаб прокуратура ташаббуси билан Қорақалпоғистон телевиденсисига «Адиллик ойнаси», («Адолат кўзгуси») кўрсатуви қоралқалпоқ ва ўзбек тилларида эфирга

ҳам Низам» («Истиқлол ва қонун») газетаси чоп этилмоқда.

Қутлуғ байрам арафасида кўнгиллар эзгу-тиллақларга тўлиб бораверди. Барчамизнинг дилимизда энг яхши ниятлар жўш уради. Бу эса ҳар биримизнинг зимма-зимга улкан масъулият юклайди. Мамлакат барқарор ривожланиши учун унда қонун устувор бўлиши керак. Қонунларга оғишмай риоя қилиш, қонунбузарларга муросасиз бўлишни дастуриламалимизга айлантисаккина кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Мақсетбай ХАЛМУРАТОВ,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси прокурорининг  
биринчи ўринбосари

Чимбой туман прокуратураси мамлакат Президентини ва ҳукуматининг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармон ва қарорларининг ҳаётга татбиқ этилишини назардан четда қолдираётгани йўқ. Текширувлар шундан далолат бераётгани, Чимбойда хайрли ишлар кўп бўлаяпти. Фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонлар сафи ўсмоқда. Иқтисодий юксалиш қўзғатилмоқда. Уларнинг турмушлари яхшиланмоқда. Энг муҳими янги иш ўринлари очилаяпти. Лекин «шоли курмасиз бўлмайд» деганларидек, номигагина фермер хўжалиги, тадбиркор ва ишбилармон мақомини олиб, қонунни менсимай ўзбошимчлик билан иш юритаётган «дўст»ларимиз ҳам учраб турибди.



## СИЗГА АЛАМ ҚИЛМАЙДИМИ?

Инсон ўз ҳаётини меҳнатсиз тасаввур қила олмайди. Ҳар кун ишхонада ўз хизмат вазифангизни баҳоли-қудрат бажарасиз. Ой охирига, маошингизни интизорлик билан кутасиз. Чунки, оилангизни тебратиш, тирикчилик иш ҳақингизга қараб қолган. Йиллардаги баъзи масъуллар эса турли баҳона ва сабабларни рўқча қилиб маошингизни бермас, оилавий сарф-ҳаражатлар режаси сўзсиз бузилади. Демак, ходимнинг ишдан кўнгли совийди.

Хўжайли туман халқ таълими бўлимига қарашли 72-сонли ўрта мактабда ҳам худди юқоридагидай ҳолат юз берди. Шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишловчи Рўза Арзиева шу йил февраль ойи учун 55 минг 605 сўм маош олиши керак эди. Нима ҳам бўлди-ю, иш ҳақи кечиктирилаверди. У илтимос қилиб раҳбарларга учрашди. «Бўлиб қолар, нақд пул йўқ», дейишди. Оилада пулга муҳтожлик сезила бошлади. Рўза иш ҳақини ололмагач, прокуратурага ариза билан мурожаат қилди. Мазкур ариза юзасидан мактабда мониторинг ўтказдик.

Қарангки, аризадаги важлар тасдиқланди. Прокуратура аралашуви билан Рўза Арзиева ва бошқа 35 нафар ўқитувчининг 2 млн. 248 минг сўм иш ҳақлари тўлиғи билан ундириб берилди.

Биз адолатли, қонунлари устувор жамиятда яшаймиз. Буни тумандаги 72-сонли ўрта мактаб директори Е.Кубайдуллаев ва бундан ҳам ҳисобчи С.Қўшановалар аниқлаб етмаган кўринади. Эеро, Вазирлар Маъкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ҳам бу ҳақда тушунарли қилиб ёзиб қўйилган. Шундай экан, қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

К.РЕЙМНАЗАРОВ,  
Хўжайли туман прокурорининг катта  
ёрдамчиси

## Фермерлик шу куннинг талаби

Келинг, мисол келтирамиз. Туманда 1,5 минг нафар атрофида юридик шахс фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 4 ой давомида 2 мартаба текшириш ўтказиб, 3 та тақдирнома киритдик. Прокурор тасйир чоралари, ҳужжатлари асосида 2 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 800 минг сўмлик келтирилган зарар ихтиёрий равишда ундирилди ва 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Тумандаги «Халқобод момиги» ҳиссадорлик жамияти томонидан 2008 йил 7 январь кун «Айтжон Нистуллаев» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 400 минг сўм ҳамда «Сапарниязова Ойжамол» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 400 минг сўм ўтказиб берилган.

Афсуски, Миллий банкнинг туман филиали мансабдор шахслари бу маблағни қонун-

га зид равишда шу ҳудуддаги «Жалпак шек» фермер хўжалиги кредит қарзини ёпиш учун ишлатиб юборишган. Мазкур пулни қайтариб олиш учун томонлар прокуратурага мурожаат қилди. Ушбу иш юзасидан мониторинг ўтказилганда банкнинг масъул ходими Е.Атамуратов ҳеч иккиланмай фермерлар пулини тўлов топшириғисиз ва рухсатсиз «Жалпак шек» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви билан маблағ ағларига қайтарилди. Е.Атамуратов қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди.

Яна бир мисол. Мамлакатимизда Ер кодекси ишляпти. Бу ҳаммага аён. Хўш, бу қонуннинг туманимизда бажарилмиши қандай? Прокуратура бу соҳадаги ишлар аҳолини ҳам ўрганиб чиқди. «Таг жап» ОФЙ ҳудудда жойлашган «Женис Рах-

мет» фермер хўжалиги туман ҳокими қарори билан 1,7 га. ерни 30 йил муддатга ижарага олади. Буни қарангки, шу овулда яшовчи фуқаро М.Ибодуллаев ўзбошимчилик билан фермер хўжалигига таалуқли 0,079 га. ерни тортиб олиб мева ва манзарали дарахт кўчатлари экади. Биз мазкур иш юзасидан даъво аризаси киритиб, масалани ижобий ҳал қилдик. Ер фермер хўжалигига қайтарилди.

Тадбиркорлик, фермерлик — шу куннинг талаби. Эртанги кунимизнинг ривож, тўкин-сочин бўлиши уларга ҳам боғлиқ. Шундай экан, ҳаммамиз уларни қўллаб-қувватлайлик, ёрдам берайлик.

Темур АЛЛАНАЗАРОВ,  
Чимбой туман прокурори  
Суратда: туман прокурори  
Т.Алланазаров тадбиркорлар билан.

# Хасратлик теледастурлар

# ДУШАНБА TV

2008-yil 12-iyun, № 24 (597)

## Моҳият

Яхши одам  
булиш учун адо-  
латсизлик қилмас-  
ликнинг ўзи кифоя  
эмас, уни бутун-  
лай истамаслик  
ҳам керак.

ДЕМОКРИТ

### 16-iyun, Dushanba

07.00, 10.20, 13.50, 18.00 Ўзбек навалари  
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўк» 159-серия  
08.30, 17.00 Мирове хити  
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 10-серия  
11.00 Prime time (рус)  
11.30 Х/ф «Крепкий орешек-4»  
14.30 «Премьера» (рус)  
15.30 Мультифильм  
17.30 «Кинокурьер»  
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўк» 159-серия  
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 11-с. 19.50 Ўзбек навалари  
20.30 «Топ-10»  
21.05 Ўзбек навалари  
21.30 Серил «24 часа»  
22.20 Комедия «Лучше не бывает»

### 17-iyun, Seshanba

07.00, 08.30, 10.20, 14.00, 18.00 Ўзбек навалари

### 16-iyun, Dushanba

12.00, 14.00 Клип минута  
12.20 Ералаш  
12.40 М/ф «Все псы попадают в рай»  
14.20 Х/ф «Как стать принцессой»  
16.10 Мультифильм  
16.30 Музыкальная дорожка  
17.10 Х/ф «Город счастья штат Техас»  
18.45 Музыкальная дорожка  
19.25 Х/ф «Кто Я»  
21.25 Музыкальная дорожка  
22.05 Х/ф «Бессмертные души»

08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўк» 159-серия  
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 11-серия  
11.00 Мирове хити  
11.30 Х/ф «Мейный полет»  
14.30 «Кинокурьер»  
15.30 Мультифильм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
17.30 «Премьера» (узб)  
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўк» 160-серия  
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 12-серия  
19.50 Ўзбек навалари  
21.00 Мирове хити  
21.30 Серил «24 часа»  
22.20 Х/ф «Змеиный полет»  
00.20 Миксер

### 18-iyun, Chorshanba

07.00, 08.30, 10.20, 13.30 Ўзбек навалари  
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўк» 160-серия  
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 12-серия

### 17-iyun, Seshanba

12.00, 14.00 Клип минута  
12.20 Ералаш  
12.40 М/ф «Все псы попадают в рай»  
14.20 Х/ф «Снежные псы»  
16.00 Мультифильм  
16.20 Музыкальная дорожка  
17.00 Х/ф «Фарго»  
18.40 Музыкальная дорожка  
19.20 Х/ф «Бесстрашный»  
21.00 Музыкальная дорожка  
21.40 Х/ф «Матрица 1»

### TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

*Тараққиётга интилаётган давлат қонунбузилишининг ҳар қандай кўришига нисбатан мурасасиз бўлиши керак. Чунки шундай жинойятлар борки, жамиятнинг маънавий асосларига путур етказилади, одамлардаги ҳалол меҳнат қилиш, фаровон турмушга пешона тери эвазига эришишига бўлган рағбатни сўндиради. Фикри-мизмага қўйидаги жинойят иши мисол бўла олади.*



## ҲАЛОЛЛИККА ПУТУР ЕТМАСИН

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ органи ходимлари Ж.Палимбетов, К.Уринбаев ва Н.Арзибаевлар солиқ бошқармасининг 2007 йил 10 сентябрдаги буйруғига асосланиб, Тахтакўпир тумани ҳудудида жойлашган «Нурсултан Тахта» хусусий фирмасига қарашли озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотиш дўконига мониторинг ўтказишди. Дўкондаги маҳсулотлар рақамлари билан НКМ қисмлари рақамларининг бир-бирига тўғри келмаганлиги аниқланган, ушбу ҳолат юзасидан тегишли тартибда далолатнома тузилади. Улар дўкон сотувчиси Амина Қайназаровага, «сизлар назорат касса машинасида нотўғри фойдаланганлигини учун 6 млн. сўм жаримага

тортиласизлар, агар бизларга 1 млн. сўм берсангиз, тузилган далолатномани йўқ қилиб ташлаймиз» деб таҳдид қилишди. Сотувчи бу таклифга рози бўлади. Шундан сўнг 15 сентябрь куни Дўстлик кўчасида учрашиб, А.Қайназаровадан 600 минг сўм пулни пора тариқасида олиб, далолатномани йўқ қилиб юборишди. Мазкур ҳаракатлар Н.Арзибаев, Ж.Палимбетов ва К.Уринбаевларга нисбатан жинойят иши кўзгатилишига сабаб бўлди.

Жинойят ишлари бўйича Тахтакўпир туман суди мазкур ишни кўриб чиқиб, уларни айбдор деб топди ҳамда қонуний жазога тортиди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси иқтисодий

жинойятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан 2008 йилнинг 1-чораги давомида 18 та жинойят иши кўзгатилиб, 20 нафар шахс жинойий жавобгарликка тортилди. Судга юборилган ва тергов қилинаётган жинойят ишлари бўйича жами 81 млн. 938,7 минг сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланди. Тергов давомида 78 млн. сўмдан зиёд маблағ айбланувчилардан ундириб олинди.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, жинойятнинг катта-кичиги бўлмайди. Қонунларимизда уларнинг ҳар бири учун адолатли жазо чоралари кўзда тутилган.

**Байрам НАҲРУЗБАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

## ЗАМИННИ АРДОҚЛАЁТГАНЛАР

Ҳар кунчи тонг оқармай далада бўлиш уларга одат бўлиб қолган. Уйланиб қоламан. Уларни бу қадар ерга боғлаган куч нима экан? Ҳаётни, туғилган заминини севиш, ардоқлашми? Иссиқни ҳам, совуқни ҳам писанд қилишмайди.

«Ахир шу даламиздан оқим даромадлардан тўй қила-ямиз, уй қураямиз, тирикчилигимиз ўтиб турибди» дейди улар биз билан суҳбатда.

«Ҳа, шуманайликлар ана шундай меҳнатқаш, соддадил, самимий кишилар. Биз улардан ўрганишимиз керак», деган эди бир суҳбатда туман ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Ромонберган Роззоқов.

Дарҳақиқат, туман деҳқонлари кейинги йилларда пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириб келишмоқда. Айниқса, туман миришкорларининг ўтган йилги ютуқлари ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлди.

Туман прокуратураси томонидан ҳам Президентимизнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасига оид фармон ва қарорлари ижросини, соҳада қонунийликни таъминлаш, жинойятчиликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлари амалга оширилди.

2008 йил 1 май ҳолатига қишлоқ ҳўжалик соҳасида қонунийликни таъминлашга қаратилган 14 та текшириш ўтказилиб, уларнинг натижалари асосида 7 та тақдимнома киритилди. 3 нафар шахс интизомий, 27 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 154 нафар шахс қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймастик тўғрисида расман огоҳлантирилди. 1 млн. 203 минг сўмлик моддий зарар туман прокуратураси аралашуви билан айбдорлардан ундирилди.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиғи байрами арафасида халқимиз билан газета орқали бўлса ҳам юз кўришиб турганимиздан мамнунимиз. «Дўстлик масофа бўлмайди» деган яхши ибора бор. Биз ватанимизнинг қай бир қағида бўлсак ҳам қалбларимиз ҳаммиса муштарак. Ватан тўғриси бизни ҳамма вақт бирлаштириб туради.

**Аббегерн КУТЛИМУРАТОВ,**  
Шуманай тумани прокурори

## КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

дейди Тахтакўпир туман прокурори Жавлонбек ҚУРБОНБОВ

Тахтакўпир тумани Қорақалпоғистоннинг шимол томонида, Нукусдан 110 километр узоқликда жойлашган. Асосан пахта, галла, шולי ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Прокурорни ҳам дала бошида учратдик.

— Тумандаги дастлабки ишини деҳқонлар ҳолидан хабар олишдан бошлабсиз-да, — дейман прокурорга салом-алиқдан сўнг.  
— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Баҳор яхши келиб, чигит текис униб қичди. Ғуза қатор ораларига ҳам аллақонун учини култивацияга бошлаб юборилди.

— Омаднингизни берсин! Худо хоҳласа, қадимингиз қўлгў келиб тахтакўпирликлар пахта, галла режаларини биринчилар қаторида бажаришига тилакдошимиз.

— Айтганингиз келсин...  
Прокурор билан йўл-йўлакай атрофни кузаитиб борар эканмиз, кенг пахта далалари, олтиндек товланиб турган галлазорларни кўриб шундай олис орол бўйларига иссиқни

иссиқ, совуқни совуқ, демай меҳнат қилаётган лафзи ҳалол деҳқонларга тан бердик.

Менинг прокурор кабинетига кириб ўқ биринчи саволим шу бўлди:

— Қабулнингизда одамлар қўлга ўхшайди. Қабулхонада бир нечта кишиларнинг ўтирганини кўрдик. Айтмоқчиманки, туман прокуратурасида фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?

— Прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган ҳисобланади. Шундай экан, биз қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир фуқаронинг таъшиш ва дарди билан яшашига, муносабатлар юзасидан қонуний ечим қабул қилишига ҳар қат қиламиз, токи бу даргоҳга умид билан келган ҳар бир инсон норози бўлиб кетмасин. Мана, шу ўтган 3 ой ичида 13 нафар фуқаро ариза ва шикоятлар билан муносабат қилди. Уларнинг барчаси ўзининг қонуний ечимини топди.

— Янгилигимиз, сиз Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органларидаги энг ёш туман прокурорларидан бирисиз. Айтгинчи, Тахтакўпир тумани прокурори лавозимига тайинланганингиздан кейин биринчи ишни нимадан бошладингиз?

— Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мен ишни туманнинг ижтимоий-иқтисодий, қонунийлик ва жинойятчилик аҳолини ўрганиб, таҳлил қилишдан ва уларнинг натижаси асосида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олишдан бошладим. Туманда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўлланиш қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш соҳаларига асосий эътибор қаратдим. Бундан ташқари, жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан туман ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқдик.

— Ҳаммамиз яхши биламиз,



аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш прокуратура органлари олдида муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бу масалага ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳаётда ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмаган инсон қоқилиб яшайди. Жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда қонунларни тарғиб қилиш ишлари муҳим мезон ҳисобланади. Биз ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда бир қанча ишларни амалга оширдик. Жумладан, ўтган давр ичида туман прокуратураси томонидан ўқув даргоҳлари, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида ҳурматли қаҳрамонимиз, сенатор Ақирмат оға Адиллов иштирокида, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи орган ходимлари билан биргаликда учра-

шув ва суҳбатлар ўтказдик. Бундан ташқари, туман ва республика газеталари, телевидение ва радиода чиқишлар қилаямиз.

— 2008 йил Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Ёшларга қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

— Ёшлик – гўзаллик дегани. Поклик, беғуборлик дегани. Ёшлик — бу жасорат, улкан ишларнинг яратувчиси дегани. Шундан бўлса керак, Президентимизнинг биз ёшлардан умиди катта. Юртбошимиз таъкидлаганидай, келажақ ёшлар қўлида. Тилагим халқимиз омон бўлсин. Давлатимизни ривожлантиришда ёшларга куч-қувват ёр бўлсин.

**Нуриддин ОКНАЗАРОВ,**  
«Huuq» мухбири

## Қонунбузарлар кимнинг эркиси?

Беруний Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида салмоқли ўрин тутадиган туманлардан саналади. Туман асосан қишлоқ ҳўжалигига иختисослашган бўлса-да, транспорт, тадбиркорлик ва савдо соҳаси муҳим бўғинлардан ҳисобланади. Шу боис аҳолининг асосий қисми шу соҳа билан банд. Бевоқиф фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, бўлимизнинг ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жинойятларга қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг 4 ойи давомида бўлим томонидан 14 та текшириш ўтказилиб 13 та ҳолат бўйича жинойят иши, 1 та ҳолат бўйича эса маъмурий иш кўзгатилиди. Жинойят ишларига тегишли бўлган 5 млн. 12,1 минг сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

Ҳақиқатда бўлим ходимлари томонидан валютафурушликка қарши навбатдаги тадбир ўтказилди. Унда Бобур

кўчасидаги уйда яшовчи фуқаро Ж.Абдуллаев фуқаро А.Эгамовга 500 АҚШ доллари, 33 минг 500 қозоқ тенгеси, 15 минг Россия рублини сотаётганда ушланди.

Кейинги пайтларда пахта ёғмага талаб кучайганини сезган айрим «тадбиркор»лар яширин тарзда қўйбола усулда ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб мўмайгина даромад олмақда. Ачинарлиси, сифатсиз ёғ туфайли айрим фуқароларнинг соғлиғи йўқолаётгани уларни заррача уйлантирмапти.

Ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ билан ҳамкорликда ўтказилган қўшма рейдимизда туманимизнинг Миртемер кўчаси 24-уйда яшовчи Ф.Саидовнинг сирли ишлари фош қилинди. Унинг уйдан ёғ ишлаб чиқарадиган ускуна ва 300 кг. чигит топилди. Энди унинг қўзи очилса ажаб эмас.

**Қаҳрамон ҚУРБОНОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОҲЖДЛҚ департаментининг Беруний туман бўлими бошлиғи



Қорақалпоғистоннинг тарихий обидалари.

**Суд залида йирилганларнинг пичир-пичири ажв олган. Лекин Наргиза (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ҳеч нарсани эшитмайдди. Кўркув, хаяжон ва гумонлар унинг бутун вужудини камраб олган. Бир нуқтага тикилган кўзи ҳаёда денгизга шўнган. Эрининг қотил ёллаб уни ўлдирмоқчи бўлганига ишонгиси келмасди. Нима хатолик ўтди? Тўғри, эр-хотин ўртасида оилавий муаммолар бўлиб турарди. Баъзида сен-менга бориб жанжаллашиб ҳам қолишарди. Лекин булар эри Рустамнинг шу даражага бориб етишига... Барибир Наргиза ўйининг охирига етолмасди. Ҳаё билан суд раиси ва маслаҳатчилари кириб келганини ҳам пайқамасди. Фақатгина кўзи айбдорлик курсисидан ўтирган эрига тушганда қаердалигини эслаб, бироз хушёр тортиди.**



# ВИЖДОНЛИ КИЛДЕР

Адвокат Рустамнинг акаси Дониёрни асўроққа тутди.

— Укам билан муносибатларимиз яхши. 2002 йилгача у билан бирга битта ҳовлида турганман. Келин билан ўрталарида жанжал бўлмаган. Бирор марта хотинидан шикоят қилмаган. Укамнинг хотинини ўлдирмоқчи бўлганига ишонмайман, — дейди Дониёр укасининг бетуноҳ эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб.

Рустам ҳам бу ҳолатда ўзини қандай тутишни яхши билади. Ҳар ҳолда панжара ортидаги ҳаётни яхши тушунади. Бир неча йил Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида катта тезкор ходим лавозимида ишлаган.

— Биз Наргиза билан 15 йилдан бери аҳил яшаймиз. Бирор марта жиддий жанжал бўлмаган. Баъзи-баъзида болаларнинг тарбиясига оид масалаларда тортишиб қолардик. Лекин бирор марта хотинимга қўл кўтарган эмасман. Олти фарзандимиз бор. Қандай қилиб фарзандларини онасини ўлдирмоқчи бўлишим мумкин? Хотинимни ўлдириб, ундан қутилиш ҳақидаги айбловлар мантқиққа тўғри келмайди.

Адвокат яна сўроқни давом эттиради.

— Тўғри, хотинингизни ўлдирмоқчи бўлганингизга мен ҳам ишонмасдим, агар узоқроқ танишингиз бўлганимда. Аммо, бизда исбот ва ашёвий далиллар бор. Хотинингизни ўлдириб учин ёллаган фуқаро Шокир Ҳамидов прокуратурага содир этилиши керак бўлган жиноят иши бўйича маълумот етказган.

— Ҳаммаси тухмаат! — дея бақириб юборди Рустам.

Бир зумга суд залини сукунат эгаллади. Ҳамманинг нигоҳи Рустамга қадалган. Эрига ишоняниям, ишонмасликни ҳам билломай мўлтираб турган Наргизанинг қарашлариغا бардош қилолмай кўзларини бошқа томонга олиб қочади.

— У менга тухмаат қилиб, жиноятчи қариндоши Қахрамоннинг озодликка юришини таъминламоқчи. Анчадан бунён Қахрамонни қўлираман. У Қозғистондан Ўзбекистонга ноқонуний равишда спирт олиб келиб сотиш билан шугулланади. 2007 йил 1 апрель

куни эрталаб 9 ларда уйдан чиқиб, акамнинг уйига бордим. Йул-йўлакай Шокирга телефон қилиб, Қахрамон ҳақида сўрадим. У бўлса «ухлаяман. Туриб сизга уни топиб бераман», деди. Мен уни мажбурлаб ўтирмадим. Соат иккиларда (14:00) ўзи менга телефон қилиб, Қахрамонни қаердалигини аниқлаганини, тезроқ учрашишимиз кераклигини айтиб қолди. Кейин билсам, бу менга қўйилган тузоқ экан. Мен қонунни ҳимоя қилган бўлсам, сизлар асл жиноятчини озодликка қолдирмоқчисизлар. Ўзинглар бир тасаввур қилиб кўринглар, хотинимни ўлдирилган менга нима наф? Агар ростидан ҳам хотинимни ўлдирмоқчи бўлганимда, ўзим қидираётган жиноятчининг қариндошини ёлларимидим? Бу мантқиққа тўғри келмайди-ку! Наҳотки шунга тушунмасаларинг! У менга тухмаат қилипти.

Адвокат бир қозғони олиб келиб, Рустамга кўрсатди.

— Бу ҳовлингиз чизмаси. Шундайми? — Рустам қозғога бир қур назар солди. Кейин

хотиржамлик билан деди:

— Ҳа. Мен ишхонага уйни ремонт қилиш учун уста чақиргандим. Унга уйимнинг чизмасини кўрсатаётганимда Шокир Қахрамон масаласида келган эди. Ўшанда чизмани эслаб қолган. Хотираси яхши экан, ифлоснинг.

Наргиза орқа ўриндиққа ўтирган Шокирга қаради. Шокир енгил хўрсинди. Адвокат гувоҳ сифатида уни чақирди.

— Айбланувчи унда хусуматингиз борлигини, тухмаат қилаётганингизни такрорлайпти. Ростдан ҳам унга нисбатан адоватингиз борми?

Шокир кинояли илжайди...

## ВОҚЕА

Рустам компьютерда нималарнидир текшириб ўтирарди. Шунинг учун хонага кириб келган Шокирни аввалига пайқамай қолди. Уни кўргач эса ишини тўхтатиб, унга пешвоз чиқди.

— Кел, ўтир, — Рустам у билан кўришаркан олдидан жой кўрсатди.

Ҳол-аҳвол сўрашишгач, Рустам Шокирга синчков назар солди. Сўнг вазминлик билан гап бошлади.

— Биласанми, ука. Биттаси дилимни қаттиқ оғритди. Ўшандан ўч олмоқчиман. Сенинг ёрдаминг керак.

Шокир Рустамнинг шамасини тушунмади.

— Мен... қанақа ёрдам беришим мумкин?

— Арзмаган иш. Ҳалигидай...

— Агар «разбор» қилиш керак бўлса, бир-иккита ишқалчи танишларим бор. Битта-яримтанинг эсини киритиб қўйиш керак бўлса, қаерда туришини, қачон, қаёққа боришини айтсангиз бўлди. Башарасини бежаб қўяди.

Рустам бу гапдан кейин бироз сукут сақлаб турди. Кейин аввалги алфозда гапирди.

— Дўппослаган билан иш битмайди-да. Уни ҳалигидай... хуллас тинчитиш керак.

Шокир Рустамнинг сўзларидан ҳайратланди. Унга савол назари билан қаради.

— Тинчитиш дейсизми?..

Рустам Шокирданги ўзгаришни кузатта-

нича, тортмадан сигарет олиб тутатди.

— Намунча довлармасанг. Бу сен ўйлаганчалик кўрқинчли эмас.

— Лекин, ака, одам ўлдириб осон иш эмас. Мен бунақа иш қилолмайман. Унақа...

— Эвазига икки минг «кўкат», — деди Рустам унинг гапини бўлиб.

— Шокир икки минг доллар дарагини эшитиб, ўйлаб қолди. Рустамнинг таклифини қатъий рад этаётган Шокирнинг кўнгли миллионларни кўз олдига келтирди. Аммо ўша миллионлар бир инсон умрига зомин бўлиш эвазига чўнтагига тушиши уни ташвишлантирарди. Унинг иккилаб қолганидан фойдаланиб, Рустам «дон сепишни» давом эттирди. У одамларни қармоққа илиштиришни яхши биларди.

— Сен ташвишланма! Ўша одамни гумдон қилишинг учун ҳамма шароитни ярати бераман. Сен ўлдирганингни ҳеч ким билмайди. Бўёғига мен кафил. Ҳаммаси режа асосида бўлади. Сендан кичкина хизмат, ухлаб ётганида юрагига пичоқ урасан,

«Эски жўва» бозорига йўл олишди. Бу бозордан ҳамма нарсани топса бўларди. Рустам режалаштирилган қотиллик учун иккита пичоқ, арқон ва аёллар колготкасини сотиб олди. Улар бозордан чиқишгач, Рустам Шокирни уйига олиб бориб қўйди. Машина Шокирнинг дарвозаси олдида тўхтади. Рустам машина бардақчидан ўз ҳовлисининг чизмасини олди. У Шокирга хотинининг ётоқхонасига кириб бориш йўлини тушунтирди. Сўнг тўрт юз доллар ва уйнинг қалитини узатди.

— Уйга киргандан кейин қалитни деворнинг пастки қисмига ташлаб қўясан. Ҳамма иш битганидан кейин қалитни ўша ердан ўзим оламан. Тушунарлими?

Шокир «ҳа» мазмунда бошини қимирлатди.

— Майли, яхши дам ол! Икки кундан кейин учрашамиз унда.

Шокир машина ортидан термуларкан, алланечук хаёлларга кўмилди. Икки кундан сўнг...

Рустам серқатнов йўлнинг четига машинани тўхтади. Шу ерда Шокирни кута бошлади. Лекин кутиш вақти узоққа чўзилмади. Йўлнинг нариги томонида Шокир кўринди. У йўлни кесиб ўтиб, машина ёнига келди. Аввалига атрофга синювчан назар солиб, сўнг машинага ўтирди. Негадир унинг аҳоли яхши эмасди. Бу ҳолат Рустамни ташвишга солди.

— Тинчликми, — сўради Рустам хавотирини яширолмай. Сенга нима бўлди? Ё кўрқасанми?

Шокир пастки лабини тишлади.

— Йўқ. Мен... ҳалиги... бошқа нарсадан хавотирдаман.

— Тушунмадим. Нимадан бунча хавотирлангансан?

— Ҳалиги...

Шокирнинг гапи охирига етмасдан

қаёқдандир махсус гуруҳ пайдо бўлиб, машинани ўраб олишди. Кутулмаган вазият Рустамни бутунлай довлариб қўйди. Машинадан тушаркан, аламли нигоҳи билан Шокирга қаради...

## СУД ЗАЛИ

Шокирнинг тилидан. — Мен жуда кўп ўйлаб, Рустам акамнинг хотинини ўлдирилган воз кечдим. Пулга қизиқиб, розилик бериб қўйганим учун ўзимни гуноҳкор ҳис қилдим. Миллионлар кўзимни кўр қилаёзди. Вақтида хатомни тўғриладим. Акс ҳолда бир инсоннинг беғуноҳ қони тўкиларди, Рустам акамнинг урига мен панжара ортида ўтирардим. Агар жиноят содир этилиб, озодликка қолганимдаям виждон азобидан қутулолмасдим.

Унинг гапларини эшитган Наргиза чиқолмай ўрнидан туриб, суд залидан чиқиб кетди. Ташқарига чиқиб, деворга суянганича қақсиниб йиғлади. Наҳотки 15 йил бир ёстиққа бош қўлади, 6 фарзанднинг отаси ана шундай ёвузликка борса? Ўз фарзандларининг онасини ўлдирмоқчи бўлган бўлса? Унга нима ёмонлик қилган эди? Фарзандларини етим қолдирмоқчи бўлганини ўйлаб кўришдикими? Наргизанинг ҳаёлига шу каби ечимсиз саволлар ёвдай бостириб келарверди.

Суд ўз ҳукмини ўқиди. Рустам Аҳатов ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, унга 16 йилли олти ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланди.

Жамшид ВОСИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори.  
Ўткиржон ДЕҚҚОНОВ,  
журналист

Бугунги кунда турли мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий бирлашмалар аввало хавфсизликни таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам хавфсизликни таъминлашдан туриб, иқтисодий тараққиётга, давлатлараро муносабатларнинг раванқига, миллатлараро тотувликка эришиш мумкин. Тарихга назар ташласак, ўн йилликлар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий минтақавий уюш-

тини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Эътироф этиш керак, ШХТ фаолияти серқирралиги билан ажралиб туради. Яъни, мазкур ташкилот аъзолари ўртасида нафақат сиёсий ва иқтисодий масалалар доирасида балки ҳуқуқий йўналишдаги ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. ШХТнинг сўнгги йиғилиши 2007 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтча, ташкилотта кирган давлатлар бош прокурорларининг

ни қуриб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, сиёсий, иқтисодий йўналишлар билан бир қаторда ҳуқуқий ҳамкорликнинг ҳам йўлга қўйилиши аниқ муқдир. Ҳоҳ сиёсий, ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ ҳуқуқий йўналишдаги ҳамкорлик ёки музокара бўлсин, инсон ҳуқуқлари биринчи навбатдаги масала бўлиши лозим. Демократияга интилган ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқлари биринчи ўринда туриши даркор. Ҳозирга келиб, ривожланган давлатларда шахс эркинлиги, унинг ҳуқуқлари давлат манфаа-

кўрсатиб келаётгани. Мамлакат ҳукуматининг қарорига кўра, ушбу инсонпарварлик ташкилотлари фаолияти маън қилинди. Сабаб, ҳукумат вакиллари айтишича, мазкур инсонпарварлик ташкилотлари ҳодимлари аҳоли ўртасида бўлажак сайловларда муҳолифат номзодини қўллаб-қувватлашга қачириб, тарбиёт-ташвиқот ишлари олиб бораётган экан. Мутахассисларнинг ҳисобича, ҳукуматнинг бу қарори оқибатида деярли 500 минг киши озиқ-овқатсиз, оч қолади. Сайловларга қадар уларнинг акса-

## ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

маси (АСЕАН), Форс кўрфазини атрофида жойлашган давлатларнинг иқтисодий ташкилоти, Америка давлатларининг минтақавий иқтисодий уюшмаси (НАФТА) ва бошқа иқтисодий-сиёсий ташкилотлар аввало минтақалар барқарорлиги учун фаолият олиб борганини кўрамай.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир ер юзиде сиёсий-иқтисодий муносабатлар барқарорлигига хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш ташкилотлар мавжуд. Янгидан-янги иқтисодий ёки минтақавий ташкилотлар пайдо бўлмоқда. Уларни дунё эътироф этаётган. Булар орасида Ўзбекистон 2001 йил тўлиқ аъзо бўлиб кирган Шанхай ҳамкорлик ташкило-

йиғилиши ҳам ўтказилди. Шунини айтиш лозимки, ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорларининг учрашуви ҳозирда анъана тусини олган. Ҳар гал ўтажак конференцияда ШХТ давлатлари минтақасида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг қўламини, ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган таъбирлар режаси хусусида баҳс-мунозаралар бўлади. Таъкидлаш керакки, Тошкентдаги учрашуви ҳам жуда сермаҳсул ва самарали кечди.

Бугунги кунда қонун устуворлиги таъминланмаган давлатда демократик жамият-

тидан устун қўйилган. Ғурур билан тан олиш керакки, Ўзбекистон ҳам шундан орасидан мустақкам ўрин эгаллади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларининг метин қанолати бўлаётган десак муболаға бўлмайди.

Сўнгги вақтда жаҳоннинг айрим бурчакларида рўй бераётган воқеаларни кузатиб, ажабланасан киши. Масалан, Зимбабведани ҳолатини олайлик. Мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми очликдан азоб чекмоқда. Бу дегани деярли бир миллион киши очнаҳор. Зимбабведа бир қатор инсонпарварлик ташкилотлари фаолият кўрсатиб, улар асосан озиқ-овқат масаласида аҳолига ёрдам

рийати очликдан ўлади. Бундай мисоллар кам эмас.

Бугунги кунга келиб, жаҳон ҳамжамияти муаммоларни фақатгина ҳамкорликда, тараққиётга эса аҳдликда эришиш мумкинлигига амин бўлмаяпти. Ўзбекистон ҳам дунё ривожий йўлида, инсон ҳуқуқлари пойдевори ҳисобланмиш демократия устувларини барпо этишда ўз ҳиссасини қўшаётгани эътирофга лойиқдир. Зеро, мутафаккир айтганидек, «Ҳамкорлик — тотувлик қафолатидур».

**Равшан АЗИМОВ,**  
Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси

### Таклиф рад этилди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Буюкбритания давлат комиссияси Гордон Браун бошчилигидаги ҳукумат томонидан террорчиликда гумон қилинаётганларни санкциясиз Ҳибсда ушлаб туриш мuddатини 28 кундан 42 кунга узайтириш тўғрисидаги таклифини ноконуний деб эълон қилди. Мазкур комиссия бошқарувчиси, таниқли инсон ҳуқуқлари курашчиси Тревор Филипснинг айтишича, террорчиликда гумон қилинаётганларни суд санкциясидан ташқари ушлаб туриш мuddатини узайтириш режаси инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига зиддир. Агарда мазкур режа ҳаётга татбиқ этилса, комиссия уни бекор қилиш учун дарҳол судга мурожаат қилишига тўғри келади.



«42 кун» режаси Буюкбритания ички ишлар вазири Жеки Смит томонидан илгари сурилган ва ҳозирда сиёсий давраларда кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда, деб хабар қилди «The Guardian» нашри.

### Эскиси янгисига

«La Parisien» ахборот агентлигининг хабар беришича, Париж жамоат транспорти бошқармаси янги метро вагонларини тақдим этган. Ушбу вагонлар ўтган асрнинг 70 йилларидан бери ишлаб келинаётган эскиларига босқичма-босқич алмаштирилди. Янги вагонлар автоматик ҳолда очилмаган эшиклар билан жиҳозланган бўлиб, бекатда эшикни очиш учун бу вагонлардаги махсус тутмачани босиш ёки мосламани тортиш керак. Эшиклар кенглиги ҳам 30 сантиметрга ортади. Шунингдек, дизайн жиҳатидан ҳам вагонлар янги за-

монавий усулда ишлаб чиқилган. Вагонларда давонни тозалаш учун электрэнергияни камроқ сарф қиладиган янги вентиляция тизими ўрнатилган. Ургу берилмаган жойи ҳам янги электрэнергияни кам сарф қилинишидир. «MF 2000» номини олган янги вагонлар электрини 30 фоизга камроқ сарфлайди. Натижада экологияга зарар ҳам шунчага қамаяди. Шу мақсадда уларнинг тезлиги соатига 100 километрдан 70 километрга туширилган. Кечачан бошлаб янги вагонлар метро-



нинг 2, 5 ва 9-линияларида ишга туширилди. Яқин орада Париж метросининг қолган 16 та линияси ҳам шундай экологик тоза, зарари ҳам бўлмаган вагонлар билан жиҳозланади.



### Парламент раиси айбланмоқда

Украина Бош прокуратураси Крим парламенти раиси Анатолий Гриценкога нисбатан жиноят иши қўзғатди. «рго UA» ахборот агентлигининг хабар беришича, Гриценко мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги айбланапти. Гап шундаки, Крим парламенти раиси «Россия» санаториясининг люкс корпуси тижорат фирмасига 30 йил мuddатга ижара берилган бўлса-да, лекин ижара ҳақи жуда кам ҳисобланган. Бир ойга 23 минг гривен (4,9 минг АҚШ доллари). Бу нарх санаторий корпуси учун эмас, балки биттагина люкс номерининг бир ойлик ижара нархига тўғри келади. Бу ҳолат эса тегишли органларда шубҳа уйғотди. Шу боис, дастлабки ревизиядан сўнг, 3 июнь куни Крим парламенти мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши очилган.

## АФРИКА ОСМОНИДАГИ КҮНГИЛСИЗЛИКЛАР



Сешанба куни Суданда «Судан авиайўллари»га тегишли, бортида 200 нафар йўловчи бўлган «Airbus 310» русумли самолёт ҳалокатга учради. «AP» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳаво кемаси Хартум аэропортига қўнаётганида кўниси йўлагидан чиқиб кетиб, ёна бошлаган ва иккига бўлиниб кетган. Авиаҳалокат натижасида 120 киши қурбон бўлиб, жароҳатланганлар шифохоналарга келтирилган. Ҳозирча айрим мутахассислар ҳалокат ёмон об-ҳаво тўғрисида рўй берган деб таҳмин қилишмоқда. Хартум аэропорти директори Юсуф Иброҳим эса ҳалокатга самолётнинг техник носозлиги сабаб бўлган деб ҳисобламоқда. Самолётнинг қора қутлири ўрганиб чиқилгандан сўнггина аниқ хулосага келиш мумкин.

да «Boeing-747» ҳаво лайнери осмонга кўтарилиши билан ҳалокатга учраган. Натижада унинг бортида бўлган 115 та йўловчи қурбон бўлган.

Африканинг яна бир давлати Кенияда ҳам авиаҳалокат рўй берди. Натижада «Cessna 210» русумли самолёт бортида бўлган мамлакат темир йўл транспорти вазири Кипкалия Коунс, ички ишлар вазирининг уринбосари Лорна Лабосо, полиция зобити Кеннет Кипроно ва учувчи ҳалок бўлишган.

Самолёт пойтахт Найробидаги Уилсон аэропортидан ҳавога кўтарилиб, Керихо шаҳрига йўл олган эди. Бир соат ўтар-ўтмас самолёт мамлакат фарбида жойлашган Каджонга туманида ҳалокатга учраган. Қизиги шундаки, ҳалокат сабаблари ошкор этилмаган.

Коунс ва Лабосо «Orange» демократик ҳаракатининг аъзолари эдилар. Ушбу партия мамлакат президенти Мваи Кибаканинг «Миллий бирлик» партияси билан бирлашиб 2008 йилнинг апрелида коалицион ҳукуматни шакллантирганди. Бунда БМТ воситачилигида партиялар муросяга келишгани қўл келди.

Кибаканинг 2007 йил декабрда президентликка қайта сайлангани қўллаб-қувватлашни келтириб чиқарди. «Orange» демократик ҳаракати бошчилигидаги муҳолифат бу ҳолатни кескин танқид остига олди. Охир-оқибат тушунмовчиликлар катта тартибсизликларга айланди. «Қизил Хоч» ташкилотининг Кениядаги ваколатхонаси расмий ахборотномасига қараганда, тартибсизликларда 1000 дан ортиқ киши ўлган, қочоқлар сониде 350 мингдан ошган, деб хабар қилди «CNN» телекомпанияси.

### Пиёда полициячилар

АҚШда ёнилғи нархи кескин ошгани сабаб, бир қатор полиция маҳкамалари раҳбарияти кўчаларда патрул хизматини ўтайдиган автомашиналар сонини камайтиришга қарор қилди. Машиналарда патрулни амалга ошириш ўрнига полициячилар ўз «қарамогидида» худудларни пиёда айланиб ўтишмаяпти. Бу эса полиция томонидан назорат қилинадиган майдон ҳажмининг камайишига ва воқеа жойларига етиб бориш тезлигининг тушишига олиб келди. Ҳюстон шаҳри полиция бошқармаси бошлиги Харольд Хертт эътироф этганидек, эндиликда полициячининг воқеа жойига тез етиб бориши унинг қанчалик тез югуришига боғлиқ.

Шу билан бирга, моливий танқисликка учраган ақсарият полиция маҳкамалари «Жавотир олманг, полиция ёнингизда» деган дастурдан воз кечишди. Яъни, бу дастурга кўра полициячилар хизмат автомашиналарида ўз уйларига бориши, уларни яшаш жойларига яқин орада қолдириши ва шу билан полициячилар яқин атрофда эканлигини намойиш қилиши белгиланган. Келажикда полиция раҳбарияти автомашиналари бошқа транспорт воситалари, хусусан, экологик тоза транспортларга алмаштиришни ҳам режалаштирмоқда.

### Президент қандай фикрда?

«АФР» ахборот агентлигининг хабар беришича, Жанубий Корея ҳукумати истеъфога чиқишини эълон қилди. Бу таклиф билан Жанубий Корея Президенти Ли Мен Бауга ҳукуматнинг барча 12 вазирини ва бош вазир Хан Син Су мурожаат қилган. Президент қандай қарорга келиши ҳозирча номаълум. Гап шундаки, 2007 йилнинг кузиде АҚШдан олиб кириладиган мол гўштида «кутуриш вируси» бор бўлиши мумкин деган таҳминлар билан, унинг Жанубий Кореяга импорт этилиши қанчалик зарарли эканини 18 апрелда эса бу қарор бекор қилинди. Чунки АҚШ ҳамда Жанубий Корея ўртасида

тузилган савдо битимининг асосий шартларидан бири ҳам гўшт импортини таъқиқлаш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши талаби бўлган. Бирок, бу қарор мамлакатда оммавий норозиликларга сабаб бўлди. Ақсарият аҳоли ҳукуматни ташқи иқтисодий манфаатларни халқ соғлигидан устун қўётганлигида танқид қилди ва айни шу норозилик ҳамда тартибсизликлар ҳукуматнинг истеъфо беришига сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, агар «кутуриш вируси» касаллиги одам чалиниб қолса оқибати фожиа билан тугайди. Чунки, ҳозирча бу касалликка даво топилмаган.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист **Николай МАСЛЕННИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлиқ изҳор қилади.

## ЖАСОРАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР



Прокуратура фахрийси Сурен Микиртичян муборак 85 ўшини қарши олмақда. Унинг ҳаёт йўли чинакам шараф ва машаққатларга йўғрилган десак муболага бўлмайди. Негакки, у киши Иккинчи Жаҳон урушида қатнашган, бу урушнинг кўплаб халқлар бошига не-не азор-уқубатлар солганини ўз кўзи билан кўрган.

Урушдан сўнг ҳам у киши ёмонликка, ёвузликка қарши курашишдан ўзини тўхтаб туролмади. 40 йил давомида ҳуқуқ-тартибот органларининг турли лавозимларида самарали ишлаб, жиноятчиликка қарши курашда, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Прокуратура органларидаги дастлабки меҳнат фаолиятини 1948 йили Туркманiston Республикасининг Чоржўй шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимидан бошлаган Сурен Микиртичян кейинчалик Бухоро вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Бош прокуратуранинг назорат инспекцияси прокурори, Бухоро вилоят прокурорининг ўринбосари, Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Ангреш шаҳар прокурори, Чирчиқ шаҳар прокурори, Тошкент вилоят прокурорининг умумий назорат бўйича ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» Сурен Микиртичяннинг кўп йиллик меҳнат фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 1994 йилда «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Бугунги шодиёна кунда Сурен Микиртичянни табаррук ёши билан самимий қўтлаб, у кишига сўхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт, хонадонига файзу-барока тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

Республикада бугунги кунда спортнинг кикбоксинг тури ҳам футбол, каратэ ва бокс сингари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бир қатор ёшларимиз спортнинг ушбу тури билан мукамал шуғулланиб, чет мамлакатлардан олтин медал-у, рағбатлантирувчи мукофотлар билан юртимизга қайтишмоқда.

Бугунги қаҳраонимиз ҳам спортчи — кикбоксинг билан мукамал шуғулланиб кўплаб марраларни кўлга киритган, 2007 йилда Грециянинг Портокарас Халқидики оролида бўлиб ўтган фахрийлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг иккинчи ўрин соҳибни, жорий йилнинг 7-10 май кунлари Кипр оролининг Лимассол шаҳрида бўлиб ўтган фахрийлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати голиби, Ўзбекистон Кикбоксинг федерациясининг Вице-президенти Фуломиддин САЙДИАХМАТОВдир.



## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мусобақага қирқдан зиёд давлатлардан 400 нафарга яқин спортчилар таширф буюришди. Менинг биринчи рақибим англиялик Тим Осборн эди. У 108 кг. вазнда бўлиб, мен эса 78,5 кг. да рингга тушдим. Финалдаги иккинчи рақибим эса Грация Альберто бўлди. У 95 кг. оғирликда Испаниядан таширф буюрган эди. Мен фахрийлар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақада голибликни кўлга киритдим. Уч кун давом этган мусобақада Ўзбекистондан таширф буюрган бошқа бир қатор вакилларимиз ҳам юқори ўринларни эгаллаб, бир неча олтин ва кумуш медаллар билан юртимизга қайтишди.

Спортчиларимиз мусобақага боришдан аввал керакли тиббий кўрикдан ўттишди, сўнг эса сугурта компаниялари томонидан уларнинг ҳаёти ва саломатлиги сугурта қилинди. Мусобақа вақтида олинган жароҳатни даволаш учун сугурта компанияси барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шуниси эътиборлики, кикбоксинг федерациясига болалар асосан 10-11 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Улар аввал ҳаваскорлик спортчи билан шуғулланиб, бир неча жаҳон чемпионатларида голибликни кўлга киритган, профессионал спортга ўтадилар. Ҳозирда бир қанча галабаларни кўлга киритиб, Ўзбекистонимиз довуруғини чет элларда ҳам таратаётган профиеси-

оналлар ўртасида Жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев, Осиё ва Жаҳон чемпиони Муҳаммадали Тоштургунов, Жаҳон чемпиони Бахтиёр Норовларни фахр билан спортимизнинг порлоқ юлдузлари деб айта оламиз.

Кикбоксинг ҳақида гап кетганда унда ишлатиладиган WAKO, WPKA, ACWF, INIGINT сўзлари кўпчиликка нотанишдир. WAKO — Бутунжаҳон Кикбоксинг Ассоциацияси, WPKA — Бутунжаҳон ҳаваскорлар Кикбоксинг Ассоциацияси, ACWF — Бутунжаҳон қўл жанги федерацияси, INIGINT — спортнинг Универсал жанг тури.

Ҳозирда спорт билан шуғулланаётганларни таҳлил этадиган бўлсак, мен жиҳатдан ўғил болалар кўпчиликини ташкил этади. Лекин қизларимиз ҳам ўғил болалардан ҳечам қолшмайптилар. Бироқ, ҳозирча бундай спортчи қизларимиз жуда оз. Бунинг сабаби эса бизда аёл мурабийларнинг озлигида деб биламан. Деярли, барча спортда қизлар ва ўғил болалар биргалликда, битта залда машғулот олиб боришади. Улар билан алоҳида залларда машғулот ўтказилса яхши бўларди. Чунки ўзбек қизлари жудаям ориятли бўлишади. Ёшлик чоғида ўғил болалар билан битта залда, аксарият ҳолда эркак тренер қўл остида спорт билан шуғулланишлари мумкин, аммо орадан маълум вақт ўтган, мурабийларидан уялган-

ликлари учунми, кўпчилиги спортни тарк этишади.

Айни пайтда спорт клубларининг кўпайиб бораётганини ҳисобга олсак, мактаблардаги жисмоний тарбия дarsi соатларини узайтириш шартмикин, деган ҳақида савол ҳам туғилиши мумкин. Бу борада мен ақлий ва жисмоний дарсларни биргалликда олиб боришни тавсия қилган бўлардим. Чунки фақатгина ақлни ривожлантирувчи дарслар ўтилавурса, бу боланинг онгига салбий таъсир кўрсатармиш, натижада болада дарста нисбатан беши ҳолати учраши мумкин. Спорт клублари масаласига келсак, дарҳақиқат улар ҳозир кўпайиб бормоқда, лекин бу клубларга фарзандини олиб боришга ҳар қимнинг ҳам қурби етмаслиги мумкин. Шунининобатта олган ҳолда мактабларда жисмоний тарбия darsi соатлари кўпайтирилса, фарзандларимиз қўли махсус спорт клубларида машғулот олиб бормасаларда, анча бақувват ва соғлом бўлиб ўсишларига туртки бўларди.

Ҳозирги кунда олинди яқинлашиб келаётган мусобақаларни ўтказишга федерациянинг президенти Сардор Тошқужаев билан тайёргарчилик ишларини олиб бораёямиз. Бундан ташқари, ўзим ҳам фахрийлар ўртасида бўлиб ўтадиган навбатдаги мусобақаларга ҳозирлик қўрайман.

Муҳлиса МУҲИДИНОВА  
тайёрлади

## Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари — бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмагани ёки ақсинча таркибида зарарли, захарли ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиги оғирлаша ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўни йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда, ҳусусан «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар бунинг ёрқин далилидир.

2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10 дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг феврал ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритиладиган кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фoш этилди.

Куйида қалбакилаштирилган  
дори воситаларининг сериялари келтирилган:

«Ринза» таблеткаси №10- серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.  
«Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807  
«Ринза СИП» эритиладиган кукун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

### Эсингизда тутинг!

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари қутилган самарани бермайди ва соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификатция тўғрисидаги маълумот, шунингдек касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисидан кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари:  
228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

## «Пахтакор» бош совринга даъвогар

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида кучли жамоалар сараланмоқда. Турнирнинг иккинчи раунд финал босқичи жавоб учрашувида Наманганнинг «Навбахор» жамоасини 5:0 ҳисобида енгган мамлакат кубоғининг амалдаги соҳибни — «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Мазкур жамоаларнинг Наманганда ўтказилган биринчи учрашувида ҳам 2:1 ҳисобида пойтахтлик ҳарат тўп усталарининг қўли билан келган эди. «Навбахор» жорий мавсумда бўш ўйин кўрсатаётган бўлса-да, «Пахтакор» мураббийлари жавоб учрашувида ҳам асосий таркиб футболчиларини туширишга қарор қилди. Натижада пахтакорчилар биринчи бўлимдаёқ бешта тўп киритиб, ўйин тақдирини ўз фойдасига ҳал қилди.

«Пахтакор»нинг ийрик ҳисобдаги галабасига Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Александр Гейрихс қатна ҳисса қўшди. Моҳир тўпурар «Навбахор» дарвозасини қўриқлаётган Сергей Захарскийни уч марта оғир қолдирди. Қолган икки голта Салриддин Абдуллаев ва Зайниддин Тожиёв муаллифлик қилди.

Наманганликларда ҳисобни қисқартириш имкони бўлган эди. Лекин Шухрат Мирҳолдирашоев ҳакам томонидан белгиланган пеналтни аниқ бажара олмади. Бу вазиятда «Пахтакор» дарвозабони Игнатий Нестеров рақиб ҳужумчисининг зарбасини маҳорат билан қайтарди.

Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра, 7:1 ҳисобида зафар қўчган «Пахтакор» чорак финалга йўлдан олди. Навбатдаги босқичда тошкентликлар «Бухоро» (Бухоро) жамоаси билан куч синнашди.

Чорак финалнинг қолган жуфтликлари қуйидагича: «Нефтчи» (Фарғона) — «Шўртан» (Гузор), «Машъал» (Муборак) — «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Олмалик), «Динамо» (Самарқанд) — «Қурувчи» (Тошкент).

ЎЗА

Huquq  
yuridik gazeta

Та'сисчи:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,  
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir  
o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir  
MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV,  
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-82,  
233-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida  
0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va  
suratlar egalariга qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan  
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan  
ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat  
ahamiyatiga molik materiallar \*\*  
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 555. 21 933 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilvi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: Doniyor XALLOV

Musahhibi: A.MUSTAFOYEV

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida  
chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahar,  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta  
haftaning  
payshanba  
kunlari  
chiqadi.

Sotuvda  
erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 1 234 6 78